Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 12 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 60 (7057)

Da'vat

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур бемазмун.

М.САЛМОН

Ibrat

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг Ижроия қўмитаси қабул қилган қарорда барча бошланғич ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан дарсликлар сотиб олишга рухсат берилди. Мазкур дарсликлар эҳтиёжманд оилалар фарзандларига тарқатилади.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 19 кун қолди

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

Мустақиллигимизнинг дастлабки икки йилида 12 та университетлар ташкил қилинди ва улар сони 16 тага етди. Ҳозирда республикамиз бўйича жами 58 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда.

Олий ўқув юртларида жами 164 минг талаба таҳсил олмоқда. Уларга билим бераётган 18,5 минг мутахассисларнинг 52 фоизи фан кандидати ва докторларидир.

Республикамиз бўйича 4 мингга яқин аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий текшириш институтларида иш олиб бормоқда.

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган жами илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларнинг 8 фоизи фан докторлари ва 37 фоизи фан номзодларини ташкил қилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизиимида 23 та институт, 16 та факультет, 4 та марказ ва 14 та малака ошириш курслари мунтазам ишлаб турибди.

(«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан олинди)

ЁШ МУТАХАССИС МАКТАБГА КЕЛДИ

унга эътибор қандай, шароит яратилдими?

Кун сайин ривож топиб бораётган мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий юксалишининг асоси таълим ва тарбиядан бошланади. Ватан равнақи, юрт истиқболи таълим-тарбия соҳасига қаратилган бугунги эътиборга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, уни ривожлантириш йўлида яратилаётган ҳуқуқий асослар соҳага бўлган муносабатни кўрсатиб турибди. Бинобарин, баркамол авлод тараққиётимиз пойдевори экан, уларни тарбиялаш ўқитувчи-мураббийлар зиммасидаги фахрли вазифадир.

Айни пайтда ўқитувчи-педагог ўз олдида турган шарафли вазифани бажариш учун кенг тафаккурли, маънавий ва маърифий етук, мустақиллик мафкураси ва иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини англаб етадиган бўлиши лозим. Айниқса, ёш мутахассисларга алоҳида эътибор зарур. Ўқитиш, тарбиялаш ишига кириб келаётган, ўқув юртларини педагогик мутахассисликлар бўйича тугатган ёшларнинг илмий-назарий ва методик билимлари кўлами шунингдек, мактаб иши ва ҳаётига тайёргарлиги даражаси ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ушбу масалага таълим ислоҳотининг асосий жиҳатларидан деб қаралмоқда. Хусусан, 1997 йил 19 декабрда ХТВ нинг Ҳайъат мажлисида «Ёш педагоглар билан ишлаш дастури» тасдиқланди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида тайёрланган ушбу ҳужжатда республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг педагогик мутахассисликлар бўйича тамомлаган ёшларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш, педагогик фаолият ва мактаб ҳаётига мослашишига ёрдам бериш, уларнинг касб маҳоратини ошириш ҳамда қўшимча ижтимоий ҳимояга олиш назарда тутилган.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тантаналари билан бошланадиган янги ўқув йилида 15 мингга яқин ёш мутахассислар таълим тизими муассасаларида меҳнат қилаётган 520 минг кишилик педагоглар жамоасига келиб қўшиладилар. Вазирлигимиз ташаббуси билан уларни тантанали кутиб олиш ва ўша ерда муқим ўрнашиб қолиши учун қатор амалий чора-тадбирлар белгиланиб, бажариб борилмоқда. «Ёш педагоглар билан ишлаш дастури»га биноан анъанавий август кенгашларида ёш мутахассисларнинг қасамёд қилиш маросимини ташкил этиш, тегишли муассаса жамоаси билан таништириш шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоизки, ёш мутахассисларнинг мослашиш даврида ҳам муайян ишлар амалга оширилади. Яъни ўқув йилидаги дастлабки педагогик кенгашда ёш мутахассисларга тажрибали мураббийлар бириктирилиб, мураббий - шогирд фаолият режаси ишлаб чиқилади.

Жойларда ёш мураббийларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш , етук мутахассис бўлиб шаклланишида шарт-шароитлар яратиб беришга кенг ўрин берилаётганлиги биз учун қувонарли. Масалан, Бухоро вилоятида улар маҳаллий педагоглар газеталарига бепул обуна қилиниши, ўқув йили якунларига кўра 40 нафар ёш педагогларнинг қимматбаҳо совғалар билан мукофотланиши ибрат олса арзигулик ишлардан деб ўйлаймиз. Умуман, ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй- ҳаракатлар кадрлар қўнимсизлигининг олдини олишда, таълим муассасаларида эса уларга бўлган эҳтиёжни мунтазам қондириб боришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни , «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида сўзлаган нутқида ижтимоий ҳимоя ва моддий кўмак, қолаверса руҳий мадад таълим тизимининг ривожланиш шартларидан эканлиги алоҳида таъкидланган. «Ёш педагоглар билан ишлаш дастури» нинг V бўлимида ушбу масалага ҳам катта эътибор берилган. Ёш мутахассисларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ҳокимликлар ва ҳомийлар ёрдамида педагогик матбуот нашрларига бепул обуна қилишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланишларида амалий ёрдам кўрсатиш кабилар дастурнинг кенг қамровли эканлигидан далолат бериб турибди. Галдаги вазифа юқорида қайд этилган юмушларни масъуллар томонидан тўлалигича бажарилишига эришишдан иборат. Албатта бу йўлда ХТВ бошчилигида вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари таълим муассасалари жамоалари билан ижодий ҳамкорликда меҳнат қилишлари керак. Қолаверса, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари, Республика Таълим маркази, Республика Истеъдод маркази, жамғарма ва уюшмалар, корхона ва фирмалар ҳомийлигини соҳага кенг жалб қилиш ўқитувчию тарбиячилар нуфузини кўтаришга хизмат қилади.

Ҳамидулла МАЪРАСУЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бош мутахассиси

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 11 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан янги қийматини белгилади, унга кўра 1 АҚШ доллари 101,65 сўмга тўғри келди.

• Қозоғистон Миллий хавфсизлик вазирлиги тарқатган хабарда айтилишича, кейинги вақтда республика ҳудудида баъзи ислом давлатларининг фуқаролари ваҳҳобийликни тарғиб қилишга уринмоқдалар. Бу мамлакат хавфсизлигига путур етказиши мумкин.

• Россиянинг Хабаровск ўлкасида 200 минг гектардан зиёд ўрмонзор майдонни қамраб олган олов тобора авж олиб, атрофдаги қишлоқларга ҳам таҳдид солмоқда.

• Германияда ҳароратнинг кўтарилиб бориши аҳоли ўртасида ҳар хил касалликларнинг тарқалишига ва қишлоқ хўжалиги экинларининг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

МАКТАБ ТАЖРИБА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁР

Яқинда Андижон шаҳридаги 27-ўрта мактабда давлат ва ҳуқуқ асослари бўйича тажриба дастурининг тақдимномаси бўлиб ўтди. Бунинг учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Мактабда тажриба ўтказиш учун ёз давомида 4 та синф хонаси, ўқув зали, амалий ва лаборатория машғулотлари ўтказиладиган хоналар жиҳозланди. Ўқув зали махсус юридик адабиётлар ва қўлланмалар билан тўлдирилди.

Тақдимот маросимида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Мирзаев, шаҳар халқ таълими бўлими мудири Т.Тўйчиев, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори Ж. Халилов, вилоят ҳокимлиги вакили А.Султоновлар бошчилигидаги вилоят раҳбарлари ва шаҳар халқ таълими ходимлари, шунингдек РТМ бўлим бошлиғи муовини Н.Аҳмедовалар қатнашдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Мирзаев сўзга чиқди ва сўнг 27-мактаб директорига «IBM» компьютерлар жамламасини тақдим этди.

Мактабни ўқув йилига тайёрлашда ҳомийлик қилган газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг милиция бошлиғи С.Собиров, «Холис» фирмасининг бош директори Ш.Иброҳимов ва бош инженери А. Мирзаев, вилоят автобирлашмаси бош директори Р. Рустамов, супермаркет бош директори М. Омоновлар янги ошхона қурилишига, мактабни таъмирлашда мактаб ўқувчилари Р. Саломов, В. Мирзаев ва бошқаларнинг ота-оналари яқиндан ёрдам бердилар.

Тақдимот маросими давомида давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари ва вилоят мактаблари директорлари иштирокида семинар ўтказилди. Семинар давомида ўқитувчилар тажриба шартлари билан танишдилар, назорат синфлари аниқланди, аниқ вазифалар ва уларнинг бажарилиш босқичлари келишиб олинди.

Тажриба тайёрлаш жараёнида мактабга ташриф буюрган Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев мактабнинг янги ўқув йилига ва тажриба ўтказишга тайёргарлиги юқори даражада эканлигини таъкидлади.

В. КОСТЕЦКИЙ,
Республика Таълим маркази бош методисти

Jarayon

ВАҚТ ЖУДА ОЗ ҚОЛДИ...

Яна икки ҳафтадан кейин янги ўқув йили ҳам бошланади. Уни очиқ юз билан, хушвақт қаршилаш учун анча барвақт бошланган тайёргарлик юмушлари ҳам ўз ниҳоясига етай деб қолди. Бажарилаётган ишлар суръати, сифати бу йил ҳукуматимиз томонидан ўта жиддий эътибор билан кузатиб борилди. Чунки янги ўқув йилининг олдингиларидан фарқланувчи бир муҳим жиҳати бор. Бошланажак ўқув йили улкан орзу-умидлар билан йўлга чиққан таълим ислоҳотларининг дастлабки синов йилидир.

Бу йил ташкил қилинадиган 14 академик лицей ва 21 та касб-ҳунар коллежлари тажриба-синов майдончаларида фаолият бошлашга чоғланишяпти. Бунинг учун эса шу кунларда топширилаётган сўнгги имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб олиш қолди.

Хўш, бу жараён қандай бошланади?

Ўтган шанба куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалага ойдинлик киритилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қатнашган касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар директорларининг ҳисоботлари тингланди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўрсатилганидек, янги мақомдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларига айлантирилишлари учун қўйилган шартларни қай йўсинда амалга ошираётганликлари атрофлича муҳокама қилинди. Бунга замонавий моддий-техника базасини яратиш, янгича ўрта махсус касб-ҳунар таълими мазмунини шакллантириш, ўз анъаналарига эга бўлиш, спорт ишларини ривожлантириш ва бошқа қатор вазифаларни аъло даражада бажарибгина эришилади. Улар шу кўрсаткичларга эришишдими?

(Давоми 2-бетда)

«Ma'rifat» anketasi

1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
2. Истиқлолдан сўнг таълим - тарбия соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди, деб ўйлайсиз?
3. Мустақил юртимиз ёшларининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

ЕТТИ ЙИЛ ҲОСИЛАСИ

1. Ўтмиш аждодларим руҳи бу кун шод,
Келди Фитрат, Чўлпон орзу қилган кун.
Дини ислом ила қалбимиз обод,
Оллоҳга минг шукур бу кунлар учун.

Мустақиллик бу узоқ йиллар мобайнида биз орзу қилган ва аждодларимизнинг кўп йиллардан буён зимдан олиб борган кураши натижасида қўлга киритган ютуғимиз. Миллатимизни, юртимизни, элимизни тараққиётнинг янги палласига кўтариб, уни гуллатиб-яшнатиш қуролидир.

Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз, мерос ва маънавий бойликларимиз тикланибгина қолмасдан, балки унинг янада ривожланиши учун имкониятлар кенгайди. Юртимиз ўзининг замонавий Форобийси, Беруний-си, ибн-Синоси, Навоийси, Нақшбандийларини тарбиялаб вояга етказиш учун имкониятлар йўлини очди.

2. Олий таълимни мукаммаллаштириш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Чунки ишбилармон, ўз билими ва имкониятларини жамият тараққиётига тўлиқ сарфлай оладиган мутахассис етишиб чиқмас экан, жамиятда туб ўзгаришлар содир бўлиши қийин. Бугунги кунда таълимни тубдан ўзгартиш, жаҳон андозаларига мос келадиган йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича илдам қадам ташлашмоқда. Ўтган йиллар давомида республикамиз ҳаётида бу борада боғчада ҳам, мактабда ҳам, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ҳаётида ҳам инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Масалан, боғчаларнинг тарбия дастурлари замон руҳига мос қилиб ишлаб чиқилди.

3. Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашни талаб этади.

Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз.

Ёш авлоднинг маърифатли, маданиятли бўлиб шаклланиши, энг аввало, оиладан бошланади. Шунинг учун оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш лозим.

Ёшларда манфаатдорлик, ишбилармонлик ҳиссини тарбиялаш, ўзбек оилаларида жуда қадимдан мавжуд.

Ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбек оилаларида кенг тарқалган ҳалоллик, тўғрилик, бировлар ҳақига хиёнат қилмаслик, хайри-эҳсон, саховат ва мурувват, тежамкорлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби фазилатлар миллий ва диний қадриятлар замирида шакланган ва улар оилавий тарбия натижасида ота-оналардан болаларига ўтиб уларнинг маънавий дунёсини бойитганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Хайрулла САЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти педагогика билим юрти ўқув ишлари бўйича директор муовини

Мослашиш 2-бет

ДАРОМАДСИЗ МАКТАБ — ҲАРАКАТСИЗ МАКТАБ 3-бет

Алпомиш 4-бет

Abituriyent-98

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

1-Тошкент педагогика билим юрти ҳовлиси одамлар билан гавжум бўлди. Боиси: тест синовларини топшириш жараёнининг бошланганидир.

Биз тест жараёни ва унга тайёргарлик хусусида, қабул комиссиясининг масъул котиби Ҳ.Бобохоновадан қабул ишлари хусусида гапириб беришини сўрадик.

—Бу йил қабул комиссиясига 848 та ҳужжат топширилди. Жумладан, абитуриентлардан 660 таси кундузги бўлимга, 188 таси эса сиртқи бўлимда ўқиш истагини билдиришган. Қабул режамиз давлат гранти бўйича 100 та, шартнома асосида эса 50 та белгиланган. Бундан ташқари Қозоғистон Республикасидан ҳам 6 та абитуриент ҳужжат топширишган. Уларни ҳам шартнома асосида қабул қиламиз.

Абитуриентлар тест синовларини 29 та хонада топширишмоқда. Ҳар бир хона учун Чилонзор туманидан 58 та кузатувчи келган. Кузатувчилардан бири — 201-мактаб ўқитувчиси М.Ортиқова 5 йилдан буён тест синовларида қатнашар экан. У киши тест синовлари йилдан-йилга ҳар жиҳатдан такомиллашиб адолатли бўлиб бораётганлигини айтиб ўтдилар.

Билим юртидаги тест синовларини кузатиб бўлмасимиздан яккабоғлик Ф.Ражабова ва Н.Кенжаевалар тест топшириқларини ечиб бўлишган экан. Улар билан бирга ташқарига йўналдик

Қ. БОЙМИРОВ

***

Кеча Самарқанд вилоятининг барча ўрта махсус ўқув юртлари ва коллежларида ҳам Ватаннинг, келажакнинг бешигини тебратувчи ёшлар илк бор ҳаяжон ва умид билан тест синовларини топширди. Қабул жараёнларига ва янги ўқув йилига тайёргарлик юзасидан Самарқанд 1-педагогика билим юрти директори Д.Носирова билан суҳбатлашдик. Унинг айтишича, билим юрти бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш мутахассислиги бўйича 25 ўринга 392 даъвогар ҳужжат ўтопширди. Энг ҳаяжонли онларни ортда қолдириб, тест синовларини топшириб чиққан ургутлик Шоира Аҳмедова, Жомбой туманидан Юлдуз Маннонова ,Челак туманидан Гавҳар Ҳолиқова каби абитуриентлар тест натижалари ижобий ҳал бўлишига ишонч билдириб ўтишди. Эндиги ишлар вақт ҳукмига ҳавола.

Эшмирза МАҲМУДОВ

ХАБАРЛАРИ — MMM

SURXONDAN XABAR

Sherobod tumanidagi Imom at-Termiziy nomli maktab jamoasi yangi o'quv yiliga katta tayyorgarlik ko'risgdi. Maktabni to'liq ta'mir qilishib, turli ko'rgazmali qurollar qayta isglanib, o'quv fanlariga moslandi. Bu isglarning mazmunli tugallanishida maktab direktori S.Alimardonovning salmoqli hissasi bor.

Q.BOYMIROV

KERAKLI QO'LLANMA

«Ma'naviyat» nashriyotida istiqlol g'oyalariga sadoqatli yosh avlodni tarbiyalashga xizmat qiluvchi kitoblar bilan bir qatorda turkum plakatlar chop etilmoqda. Yurtimizning ijtimoiy-siyosiy hayotini aks ettiruvchi dastlabki plakatlar nashrdan chiqdi.

G.HUSANOVA

PUL HAM, KITOB HAM BO'LADI

Quva tumanida ko'pchilik o'quvchilarni darsliklar va o'quv qo'llanmalari bilan ta'min etishga ko'maklashishni o'ziga mas'uliyatli burch deb qarayapti. Shu maqsad uchun tuman matlubot savdo hissadorlik jamiyati tuman XTBga 200 ming so'm pul o'tkazdi, mebel fabrikasi ham kattagina yordam bermoqchi. Hozirgacha esa o'quvchilarga 18 nomdagi 3 ming kitob sotilgan bo'lsa, kam ta'minlangan va yaqindagi suv toshqinidan zarar ko'rgan oilalar farzandlariga ular bepul tarqatildi.

A. HAYDAROV

ALLAQACHON TAYYOR

Andijon shahridagi 5-o'rta maktab yangi o'quv yiliga jiddiy tayyorgarlik ko'rishganligini amalda isbot qilib qo'yishgan. Hozirda jamoa o'quv yili boshlanishini kutishayapti. «Sut» hissadorlik jamiyati rahbari H.Buzrukov esa, andijonliklarga xos tashabbuskorlik bilan maktab ta'miriga katta yordam berdi.

SH.KELDIYEV

MMM — XABARLARI

QO'MITA HIMMAT KO'RSATMOQCHI

O'zbekiston ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy qo'mitasi qashqadaryolik xodimlariga yordam berishni ko'zlab turibdi. Ular viloyatdagi umumta'lim maktablari ushun 14 nomda chop etilgan yangi darsliklarni kam ta'minlangan tarmoq xodimlariga sotib olib berish harakatida.

O'Z MUXBIRIMIZ

ВАҚТ ЖУДА ОЗ ҚОЛДИ...

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги барча ҳисоботни диққат билан тинглади, баъзи камчиликларга йўл қўйилаётганлигини таъкидлади ва уларни бартараф этиш учун зарур кўрсатмалар берди.

Турли-туман баҳоналар рўкач қилинганда, ишларда шижоат сезилмаётгани, айрим жойларда эса «отангга бор, онангга бор» қабилидаги эскича ақидалар таъсиридан батамом қутулолмаётганимиз сезилиб қолди. Агар масъулият ҳисси англаниб, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилганда ҳам аҳвол бошқачароқ бўлиши мумкин эди. Айниқса, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилояти вакилларининг ҳозиргидек долзарб паллада ҳам сусткашлик ва чалкашликларга йўл қўйишганлиги ачинарли ҳол. Бу эса ўринли танқидга сабаб бўлди ҳамда аниқ иш режаси тузиб олиш вазифаси топширилди. Гарчи аҳвол қўнгилдагидек бўлмаса-да, камчиликларни тузатиб олиш учун барчага яна бир бор ишонч билдирилди, имконият берилди. Бундан тўғри фойдалана билган ютади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов ҳам ишни қандай қилиб қўнгилдагидек ташкил этиш мумкинлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шошилиш керак. Вақт жуда оз қолаяпти. Барча тайёргарлик ишлари 20 августгача тугалланиши зарур. Ундан кейин кеч бўлади. Бу йиғилишда қаттиқ уқтирилди.

Рустам БОЙМАТОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳам янги ўқув йилига, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик қизғин кетмоқда. Жумладан, бизнинг Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам режали таъмирлаш ишлари амалга оширилаётир. Гарчанд, кафедраларнинг аксарияти таъмирдан чиқарилган бўлса-да, умумий фойдаланиш хоналари, даҳлизлар, ўқув биноларининг томларини таъмирлаш давом этмоқда. Бирданига бўёқ ишлари ҳам тугалланаяпти. Бу ишларнинг барчасига ҳомий ташкилотларимиз — «Ўзбекенгилсаноат» ва «Ўзпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари маблағ ажратиб беришди.

ҲОМИЙЛАРИМИЗ КЎМАГИДА

Асосий катта таъмирлаш ишлари ўтган йили ташкил этилган академик лицейимизда амалга оширилмоқда. Лицейнинг ички ўқув хоналари, даҳлизлари, умумий фойдаланиш хоналари, ташқи томони, деразалари, томлари қайтадан таъмирдан чиқарилмоқда ва 25-27 август кунлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шу қатори барча ўқув биноларида, талабалар уйларида, институт ҳудудидаги кўргазмали-ташвиқот ишларини жонлантириш мақсадида янги кўргазмалар, маънавиятга оид лавҳалар, институт ҳаётини акс эттирувчи турли газеталар, хабарлар, маълумотномалар ҳозирланмоқда. Хуллас, янги — 1998-99 ўқув йилига пухта ҳозирлик кўраяпмиз.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор муовини

Yangi texnologiya

МОСЛАШИШ

Навоий шаҳридаги 4 - сон ихтисослашган мактаб таълимининг янги информацион технологиясига мослаштирилган. Бу ҳам таълимни ислоҳ қилиш йўлидаги дадил қадамлардан. Яна ҳам бўрттириб айтганда, мустақиллик йилларида вужудга келган ўзгаришлардан. Қуйида таълим даргоҳини компьютерлаштириш фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ушбу муаммонинг ечимини биз, энг аввало, иш вақтидан тўғри фойдалана билишда, ҳамда таълим жараёнида анъанавий дарс тузилишига зич ҳолда ўқув материаллари миқдорини оширишда деб билдик.

Бунинг учун ўқитувчи ва ўқувчини қониқтирувчи ҳамда таълим жараёни мазмуни ва шаклига ўзгариш киритадиган моддий база зарурдир.

Компьютер техникасидан, аудио-видео жиҳозларидан фойдаланиш, ўқув-билим дастурларини универсаллаштириш, синф хоналари ва ўқув аудиторияларини қайта жиҳозлаш талаб этиларди.

Ҳозир гимназияда маҳаллий тармоқлар билан бирлашган 3 та компьютер зали, лингафон хонаси, радиоэшиттириш студияси, жиҳозланган электрон мусиқа зали, рақс ва ритмика зали бор.

Техниканинг мавжудлиги таълим жараёнига тўлиқ ўзгариш олиб кира олмайди. Ўқув материали лозим. Ўқувчилар томонидан ҳар бир фанга доир кўп миқдорда компьютер, аудио ва видео материаллари йиғилди.

Бошланғич синфлардаги (оғзаки ҳисоб устида ишлаш, луғат иши, ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, кундалик назорат топшириқларини ўтказиш каби) дарс қисмларини компьютерга кўчириш, соат сонини кўпайтирмасдан ўргатилаётган материал ҳажмини оширишга имконият яратиб берди.

Таълим жараёнининг тезлаштирилиши гимназия ўқув режасига умумий соат сонини кўпайтирмасдан қўшимча фанлар киритишни талаб қиларди. Жумладан, 2-синфда Занков тизими бўйича иқтисод ва жуғрофия дарслари ўтилмоқда.

Бошланғич синфларда инглиз тилини урганиш тўлиқ лингафон кабинетига кўчирилган. Дарслик ва аудио иловаларнинг мавжудлиги инглиз тили таълимини самарали олиб боришга ёрдам бермоқда. Ўрта ва юқори синфларда компьютер, аудио, видео иловалар ёрдамида махсус методика бўйича инглиз тили таълимининг жадаллашган тизими киритилган .

Тест ва электрон диктантларнинг компьютерларда ўтказилиши ўқув материалларини ўргатиш учун ажратилган вақт миқдорини кўпайтирди. Таълим тизимини қайта ташкил қилиш учун методик ишлар янгиланди.

Методик иш ҳаракатчан бўлди ҳамда фанлар интеграциясида зарурат пайдо бўлди. Уч йил давомида мактабимиз методик иш тузилишининг ўзига хос тизими бўйича ишлаб келмоқда.

Бу схема асосий муаммони ечишда, ягона талабларни ишлаб чиқишда, таълим-тарбия жараёнининг бир меъёрда ривожланиши учун педагогик жамоанинг кучини бирлаштирди.

Бунда биз таълим жараёнида сакраб рўй берадиган тараққиётдан қутулдик ёки бир фаннинг иккинчи фандан устунлиги йўқ.

Тарбиявий ишда биз қўйидаги шиорга асосланамиз: «Тарбия таълим даражасига боғлиқ!»

Таълим ва тарбия ишларини бирлаштириш зарурияти дарс ва дарсдан ташқари ижоднинг бирикмасига, фанларнинг таълим берувчи ва ривожлантирувчи турларга ажратилишига олиб келди.

Ўқув куни 2 қисмга бўлинади. Биринчи қисм - дарсий: куннинг биринчи ярмида фан асосларини ўргатиш: иккинчи қисм - дарсдан ташқари: куннинг иккинчи ярмида фанларни чуқур ва касбий ўргатиш, ўқув материалига қўшимча сифатида махсус курслар олиб борилади. Юқори синфларда жисмоний тарбия дарслари куннинг иккинчи ярмига кўчирилган. Бу ишлар тўгарак ва спорт секциялари фаолияти билан биргаликда ўқувчиларнинг бандлигини зичлайди ва уларнинг билимга қизиқишини ривожлантиради.

Куннинг иккинчи ярмига, асосан уй топшириқларини талаб этмайдиган машғулотлар кўчирилган, бунда ўқитувчи маслаҳатчи ролини бажаради. Бу ўқитувчининг ўзини кўрсатишига имкон беради. Дўстона муносабат, эркинлик, хокимлик ва мажбурлашнинг йўқлиги ўқувчиларнинг дарсларда қатнашишини фаоллаштиради. Ўқувчилар куннинг иккинчи ярмида иштиёқ билан мактабга келишади. Бу ерда ўқитувчидан маслаҳат олиш, қизиқарли иш топиш мумкин.

Ўзаро муносабатлар муаммосини ечишда психологик хизматнинг аҳамияти катта. Синфларнинг мунтазам текширилиб борилиши ўз вақтида тегишли чоралар кўриш имконини бераяпти.

Психологсиз мактабимизга танлов қабули сифатини таъминлаш қийин бўлар эди. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари, ота-оналар ва болалар даъвогарлиги бунда ўзининг мукаммал ечимини топади.

Таълим тизимидаги барча ўзгаришлар XX1 аср бўсағасида турган ёш авлоднинг баркамоллигига қаратилган. Биз буни ҳар доим ҳис қиламиз.

А.АВДЕЕВ,
Навоий шаҳридаги Нодира номидаги 4- ихтисослашган мактаб директори

O'zbekiston va jahon

БИР АНЖУМАН ТААССУРОТИ

«Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари таълим Вазирликларининг таълим учун янги технологиялар кашф этиш ва жорий қилиш бўйича ҳудудий марказининг директори доктор Минда Сутория хонимнинг таклифига биноан, ушбу ҳудудий марказнинг Филиппиндаги Манила шаҳрида бўлиб ўтган VI халқаро конференциясида иштирок этиб келган эдик.

Тумандаги иқтидорли болалар лицей-интернат мактабининг жамоатчилик бўйича директори,«Агрохимик» ҳиссадорлик жамиятининг бошлиғи Баҳром Нурманов билан ана шу анжуманда қатнашдик. Конференция «Келажак авлодга таълим бериш, таълим услубларини такомиллаштириш, баҳолаш ва социал янгиланишга доир янги технологияларни кашф этиш» мавзуида ўтказилди. Делегатлар сони жаҳоннинг 28 мамлакатидан 634 нафарни ташкил қилди. Аксарият делегатлар Европа, Америка, Австралия ва Осиё давлатларидан келишди.

Ҳудудий марказнинг (СЕАМЕО ИННОТЕК) вазифаси Жанубий-Шарқий Осиёда жойлашган 12 та давлатнинг таълим-тарбия ишлари билан банд бўлган илғор ходимларини янги технология бўйича қайта тайёрлашдан иборатдир. ИННОТЕК ўзўзини маблағ билан таъмин қилиш йўлида фаолият кўрсатади. Шуниси қизиққи, тайёрлаш курсидан ўтиш учун 15-16 кунлик курсга ҳар бир педагог 1300 дан 1500 гача АҚШ доллари миқдорида пул тўлаши керак бўлар экан.

«Жаҳон давлатлари ҳамжиҳатлиги ҳамда ўзаро ҳудудий алоқалар ёрдамида, таълим ва технологияни мунтазам такомиллаштириш йўли билангина келажак авлодга тўғри йўл кўрсата оламиз, деб ўйлайман.Яна шуни ҳам қайд қилмоқчиманки, СЕАМЕО ИННОТЕКнинг ушбу халқаро конференцияни ўтказишга қарор қилганлиги жаҳоншумул аҳамиятга эгадир. Унинг асосий вазифаларидан бири Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро қўшничилик алоқаларини ривожлантиришдир. Истиқбол сари интила бориб, биз ўз билимимиз негизини жаҳоннинг барча давлатлари тажрибасида янада тараққий эттирмоқчимиз» , дейди Минда Сутория хоним.

Буюк Британия университетининг Вице Президенти Жон Даниел «Маданият ва технологиянинг ягонавийлиги», Филиппин Давлат Университетининг Президенти доктор Эмил Жобиер «Технология,маърифат ва маданиятнинг ўзаро узвийлиги», Пенсилевания университети қошидаги халқаро Саводхонлик институти ректори (ушбу институтга ЮНЕСКО ҳомийлик қилади), профессор Даниел Вагнер «Узулуксиз таълим ва саводхонлик учун технология ташкил этиш», Сингапур политехника университети қошидаги иқтидорли талабалар билан ишлаш секциясининг директори доктор Нора Байер хонимнинг «Малайзияда иқтидорли болалар билан ишлашнинг психологик қоидалари», «Осиё ва Тинч океани ҳавзасида узлуксиз таълимни таъминлаш» мавзусида сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг «Осиё ва Тинч океани ҳавзаси» давлатларида таълимни режалаштириш идорасининг координатори, доктор Прем Косажу ва бошқаларнинг чиқишлари бизга бой таассурот берди. Улар ёшлар тарбиясидаги муаммоларга бағишланди. Бу борада ўта узвийлик билан амалий ишлар бажарилаётганлиги бизга маълум бўлди. Конференциянинг охирги куни делегатлар уч гуруҳга бўлиниб секцияларда ўз ишларини давом эттиришди. Бизлар Филиппин Давлати таълим тизимининг бошқарувини кузатдик.

Таълим,маданият ва спорт бир вазирликка бириктирилган бўлиб, бу вазирликни бошқарувчи шахснинг лавозими секретарь деб аталар экан. Демак, «Таълим, маданият ва спорт ишлари бўйича секретарь» Секретардан кейинги босқич 5 нафар мактабларнинг бошқарув директорлари бўлиб, улар қуйидагича: (Университетларгача бўлган бошқарув тизими)

Жисмоний тарбия, спорт ишлари бўйича бошқарма директори;

Бошланғич таълим бўйича бошқарма директори;

Умумий таълим бўйича бошқарма директори;

Сиртдан таълим бериш бўйича бошқарма директори;

Касб-ҳунар таълими бўйича бошқарма директори;

Ҳар бир директорнинг ўзига қарашли биттадан супериндентдантлари бор. Супериндентдант ўз идорасига, меҳнат жамоасига эгадир. Шунингдек, уларнинг ўз навбатида супервайзерлари мавжуд бўлиб, улар алоҳида предметлар бўйича фаолият кўрсатади. Масалан, математика фани бўйича супервайзер, физика фани бўйича супервайзер ва ҳоказо. Супервайзерларнинг ҳам офиси ва меҳнат жамоалари мавжуд. Ундан кейин ҳудудий ёки бўлмаса биздагидек туманлар бўйича биттадан супервайзерлар бор. Ва кейинги босқичлар ҳам шу каби турли атамалар билан белгиланган.

Филиппин давлатидаги сиртдан таълим бериш тизими, Республикамиздаги шундай таълим бериш тизимидан тубдан фарқ қилади. Масалан, биринчи бор бу тизим 1971 йили Буюк Британияда жорий этилган бўлиб, бунда таълим бериш махсус дастур асосида фақат радио ва телевидение ёрдамида ўқитилади. Умуман олганда, жаҳон тажрибасида сиртдан таълим бериш вазирлигининг бир бошқармаси бўлиб ҳисобланади ва бу усулда таълим бериш мактаб ёшидаги болалардан ёши катталар орасида ҳам олиб борилади.

Анжуманда сўзга чиқишимга тўғри келди. Ўзимнинг саккиз минутлик маърузам Ўзбекистон ҳақида бўлди. Юртимизнинг бугунги таълим тизими ислоҳотларини мароқ билан сўзладим.

Мирсаид АНОРБОЕВ,
Дўстлик тумани халқ таълими бўлими бош назоратчиси

ТАДБИРЛАР — БИЛИМ ВА ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Ўқитувчилардан бири синфдан ташқари тадбирлар қўпайиб кетяпти, ўқувчилар дарсга кирмай қўйди. Уй вазифасини ҳам бажаришмаяпти, деб қолди. Уни қувватловчилар ҳам топилди.

Аввало ўқувчи у ёки бу дарсга кирмас, уй топшириқларини бажармас экан, айбни синфдан ташқари ўтказилаётган тарбиявий тадбирлардан ахтариш ноўрин. Қоларверса, бу ўқувчининг ўзига боғлиқ. Ўқитувчи дарсига пухта тайёрланиб, уни қизиқарли, жонли, юксак савияда ўтказса, шогирдларини шу фан ичига олиб кира билса, ҳеч ким дарсдан қочиб кетмайди. Уй вазифасини бажармайдиган ҳам бўлмайди.

Синфдан ташқари тарбиявий тадбирларга келсак, тадбирлар маълум бир режа, ишланма асосида мазмунли, мақсадли ўтказилса, изланиб ижодий ёндошилса, ўқувчи билимини бойитади ҳам, инсоний фазилатлар руҳида тарбиялайди ҳам.

4-синфда Наврўзга бағишланган эрталикка қатнашишга тўғри келди. Болалар Наврўз тарихи, таомлари тайёрлаш сирлари ҳақида кўп нарса билишларини намоён қилишди.

Ёки юқори синфлар Ал-Фарғоний, Имом-Бухорий ва «Алпомиш» достонининг юбилейларига бағишлаб мушоира ва адабий кечалар ўтказишди. Ал-Фарғоний дарсликда йўқ,урганилмайди. Имом Бухорий 9-синфда, «Алпомиш» достони 8-синфда бир неча соат ўрганилади. Лекин жуда қисқа,оз. Ўқувчилар тадбирларга тайёрланиш жараёнида қўшимча адабиётларни, газета-журналларни титишиб, улар ҳақида кенг билимга эга бўлишди. Хўш, бунинг нимаси ёмон?

Бундай олиб қараганда синфдан ташқари тадбирларни ноанъанавий дарсларга қиёс қилса бўлади. Ўқувчи бундай тадбирларга қизиқади, фаол қатнашади. Дарсда ўзлаштирмаган материални ҳам осонгина ўзлаштириб олади. Аксинча, ҳар кунги дарсдаги бир хиллик уларни зериктиради, фаоллиги пасайиб аста-секин сўниб ҳам қолади.

Бир ўқувчини яхши биламан. Зўрга «3»га жавоб берарди. Бир тадбирни ўтказишда унга ишониб масъулиятли топшириқ берилди. Тадбир ўтгунча ҳадиксираб юрдим. У эса катта ҳавас, қизиқиш, иштиёқ билан киришиб гуруҳга «5» баҳо олиб берди.

Гапни мухтасар қилиб айтганда, синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар ўқувчилар билимини бойитиш ва уларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим воситалардандир.

Шамидулла ОТАҚУЛОВ,
Пайариқ туманидаги 1-мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари,
Халқ таълими аълочиси

— «Оқ олтин» туманидаги таълим муассасаларида жорий таъмирлаш ишлари тугатилди. Эндиликда эса Мустақиллик кунида ўқувчиларни қабул қилиб олиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири С.Самандаров. - Мактаблардан 12, 6, 3, 17-мактаблар биринчилар қаторида таъмирлаш ишларини тугатганлиги ҳақида хабар бердилар.

Суратда (чапдан ўнга): 12-мактаб директори Қ.Сулаймонов, ТХТБ мудири С.Самандаров, 6-мактаб директори Т.Жолтоев, 3-мактаб директори А.Абдуошева ва 17-мактаб директори А.Сориевлар мактабларнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги борасида фикрлашмоқдалар.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ДАРАЖА

Утган ўқув йили Республика таълими тарихида мамлакатимизда таълимнинг барча тизимини тубдан ислоҳ қилиш учун ҳуқуқий база яратувчи «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишнинг биринчи йили сифатида қолади.

Олдимиздаги ўқув йили эса ушбу ислоҳотнинг суръати ва йўлларини аниқлаб, янги, меъёрий ҳужжатларни амалга ошириш йили, авваламбор, бутун ўқув йили давомида янги тажриба-синов ўқув дастурларининг кенг қўламли синовлари ўтадиган йил бўлиши керак.

Асосий мезон бўлмиш қатор ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. Шу жумладан, авваламбор, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарорини айтиб ўтиш жоиздир. Ушбу қарор билан «Давлат таълим стандартлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низомга мувофиқ, Давлат таълим стандартлари (ДТС) давлат тасарруфидаги ёки хусусий мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳамма таълим муассасалари учун мажбурийдир. Чунки улар мутахассисларни тайёрлаш сифатини, таълим мазмунини аниқлаб беради: таълим олувчиларнинг зарурий ва етарли даражасини, шунингдек, ўқув юкламасининг керакли ҳажмини белгилайди ва ҳоказо.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан бошланди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишнинг бир йиллик таҳлилини қилиш ва кейинги йил режаларини аниқлаш ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашларининг бош масаласи бўлиши керак. Ушбу анъанавий тадбирларнинг янги сифат даражаси мамлакатимиздаги таълим тизимининг янги талаблари, янги шарт-шароитлари билан белгиланган.

Қуйида берилаётган «Давра суҳбати» иштирокчилари ана шу масалалар хусусида ўз фикрларини баён қилдилар.

Г. АЛИМОВА, Республика ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи:

— Шубҳасиз, ҳозирги асосий вазифамиз — таълим мазмунини тубдан ўзгартиришдир, зеро бу янги умумий ўрта таълимнинг тамал тоши бўлиши керак.

Давлат таълим стандартларнинг мухим даражаси бўлган янги экспериментал таянч ўқув режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режани яратишда мамлакатимиздаги фан ва техника, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ривожланишлар инобатга олинди. Унда ўқувчиларнинг психологик, физиологик хусусиятларига муҳим ўрин берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабларига биноан, ўқувчиларга мумкин бўлган ўқув юкламалари аниқланди. Шу ўринда уйғунлаштирилган курсларнинг киритилиши зарурияти ҳамда демографик, табиий ва бошқа хусусиятлар эътиборга олинди. Республикамиз ёшлари орасидаги маънавий-маърифий ишлар ҳолати ҳам муҳим ўрин тутади. Ва, ниҳоят, ўқув режалари ва дастурларини тузишда халқаро тажрибалар эътиборга олинди ва ўрганилди. Шундай қилиб, умумий ўрта таълимнинг янги мазмунига мувофиқ янги экспериментал таянч ўқув режаси шаклланди. Энди уни тажриба-синовдан ўтказиш керак. Аммо, бу ишга фақат бир нечта мактабларгина жалб қилинишидан қатъий назар, экспериментал ўқув режаси билан барча педагогларни таништириш зарур. Энг яхшиси, буни август кенгашларида амалга ошириш керак.

Утган ўқув йилида ҳар бир фан бўйича ишчи гуруҳлари ҳам ташкил этилди. Уларнинг аъзолари педагогик, психологик, физиологик ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда барча мавжуд ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишди. Натижада 10—11-синф материалларининг бир қисми 9-синф дастурларига кўчди, бошқа қисми академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўрганиш учун ўтказилди, эскирган, маъносини йўқотган, бугунги кун талабига жавоб бермайдиган материалларнинг бир қисми эса умуман олиб ташланди.

Мана, масалан, она тили, чет тилларидан, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари, информатика, физика, география, меҳнат предметларидан ўқитишдан ўқув материалининг айрим бўлими ва мавзуларидан умумий ҳажми 340 соатлик материал 8—9-синфлар ўқув дастурларига кўчирилди (физикадан қуйидаги бўлимлар: «Электродинамика», «Магнит майдони», «Ярим ўтказувчилар». Иқтисодий билимлар асосларидан — «Бозор муносабатлари», «Бозор муносабатлари шароитида Узбекистоннинг ривожланиши» ва ҳоказо).

Шундай қилиб, янги умумий ўрта таълим мазмунининг ўзига хос ўзаги тузилди, унинг базасида эса янги дастурлар яратилди, жойлардаги тажриба-синов майдончаларида ушбу дастурларни синовдан ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Тажриба синовлари бошланишидан олдин бир қатор мутахассислар иштирокида катта тайёргарлик ишлари бошланди. Ўзбекистон педагогик фанлар илмий-тадқиқот институтида тажриба-синовларини ўтказувчи ўқитувчиларнинг икки кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари зарур ҳужжатлар тўпламини олишди, янги экспериментал дастурларни муҳокама қилишди ҳамда уларни амалга оширишнинг шакл ва методларини белгилашди. Эндиликда вилоятларда шу тарика семинар-тақдимотлар ўтказилмоқда. Уларнинг дастурларида тажриба-синов майдончасининг тантанали очилиши, шунингдек ҳар бир вилоятда янги дастурлар билан ишлашга жалб қилиниши керак бўлган ўқитувчиларнинг ўқуви бор.

Олдимизда турган кейинги босқич, бу Август кенгашларидир. Ушбу кенгашларнинг шўъба йиғилишларида барча фанлар бўйича янги дастурларнинг мазмуни ўқитувчиларнинг кенг оммасига етказилиб, муҳокама қилиниши, жумладан, мактаб услубиёт бирлашмасида ҳам муҳокамадан ўтиши лозим.

У. ЗИЁЕВ, Тошкент шаҳар ЎМОИ директор муовини:

— Тошкент шаҳар анжуманининг барча фанлар шўъбалари кун тартибига киритилган муҳим масалаларнинг бири, бу — ўқитувчиларни янги ўқув йилида синовдан ўтадиган янги дастурлар билан таништиришдир. Шунингдек, тажриба синовлари ўтадиган мактаблар манзили, дастурларни муҳокама қилиш кўрсатилган. Бу масалани қайта ишлаб чиқишни бизнинг ШУМОИ услубиётчилари ўз зиммасига олади, зеро уларнинг кўпчилиги мазкур дастурларни яратишда иштирок этганлар ва энди уларни синовдан ўтказишда ҳам ёрдам беришади.

Мана масалан, иқтисодий билимлар асосларидан янги экспериментал дастур 166-мактабда синовдан ўтади.Уни кўп йилдан бери фаолият кўрсатаётган ўқитувчи, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими 9-синф учун қўлланмасини ҳам яратган В.Т.Матвеев юргизади. У мактабнинг бошқа ўқитувчилари, жумладан, нафақат ушбу курсни олиб борувчи ўқитувчилар билан, балки бошқа фанларни ўқитадиганлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликда ишлайди. Зеро, дастурда қатор интеграциялашган дарслар кўзда тутилган, бу эса турли фанлар ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ анча тарқатма кўргазмали қуроллар, жадваллар, дидактик материаллар йиғилган ажойиб музей ташкил этилди, «Маънавият ва маърифат», иқтисодиёт хоналари—бунинг ҳаммаси янги дастурни синовдан ўтказишга доир фаоллик билан ёндашишни тақозо қилади.

Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабда инглиз тилидан экспериментал ўқув дастурларининг синови бўлиб ўтади. Уни ўқитувчилардан Х.Ғаниева ва Ш. Абдураҳмоновалар олиб борадилар. Бу ерда тажриба-синов майдончаси тақдимоти бўйича катта тайёргарлик ишлари қилинди.Ўқитувчилар яна бир бор хоналарнинг жиҳозланишини қайта кўриб чиқишди, туман ХТБ эса уларни қўшимча ўқитишнинг техник воситалари, ўқув-кўргазмали қуроллар билан таъминлаш имкониятларини яратмоқда.

О. ОМОНОВА, Андижон шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси:

— Биз мактабимиз базасида ташкил этилган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» бўйича янги дастур синови ўтадиган тажриба-синов майдончасининг тақдимотини ўтказдик. Ўзим касбдошларимни ҳуқуқшунослик бўйича янги экспериментал дастурнинг мазмуни билан таништирдим, эксперимент ўтказиш бўйича тайёрланган тематик режа, ҳар бир дарс ишланмалари билан ўртоқлашдим. Олдимиздаги ишлар учун махсус қайта жиҳозланган кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланган, китоблар, методик адабиётлар билан бойитилган хоналарни кўрсатдим. Бошқача қилиб айтганда, эксперимент бошланиши олдида нимаики нарсам бўлса, шуни ҳамкасбларим билан баҳам кўрдим.

Бундан ташқари, Тошкентда ЎзПФИТИда тажриба-синов иштирокчилари учун махсус ўтказилган икки кунлик семинар таассуротлари ҳақида ҳам айтиб бердим. ХТБ вакиллари, олимлар, услубиётчилар бизга ушбу экспериментнинг мазмуни, унинг мақсад ва вазифаларини очиқ-ойдин кўрсатиб беришди.Тажриба-синов майдончаларига қўйиладиган талабларга кўп вақт ажратилди. Семинардан биз кўп нарса олдик, экспериментал дастурлар муаллифлари билан учрашдик, бунинг барчаси бизни ҳар томонлама бойитди.

Энди катта, жиддий ва ўта масъулиятли ишлар кутмоқда. Жадвалга мувофиқ мактабимизга бошқа вилоятлардан вакиллар келишиб, тажриба-синов суръати билан танишишади. Биз мамнуният билан ҳамма учун эшигимизни очамиз, зеро қанча бўлмасин педагогларни тажриба-синов дастурлари муҳокамасига кўпроқ чорлашимиз кераклигини яхши ҳис қиламиз.

Г.АЛИМОВА: — Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, экспериментнинг олдида турган муҳим вазифаларидан бири — нафақат педагогик жамоаларни, балки ота-оналар, турли жамоатчилик жамғармалари ташкилотларининг диққат-эътиборини ҳам жалб этмоқдир. Дастурларнинг синови тажриба-синов майдончалари қолипидан чиқиб, ушбу муҳим ишга қўшилиб кетиши, лозим бўлганда кенг жамоатчиликка ҳам етиб бориши керак.

Ана шунинг учун ҳам биз ҳар бир вилоятда барча фанлар бўйича ўқув дастурларининг, синовлари ўтказиладиган ўз тажриба-синов майдончаларини ташкил этиш талабларини қўймоқдамиз..

Таълимни тубдан ислоҳ қилиш учун ўқувчиларнинг касб-ҳунарни танлаш масалалари жиддий қўйилмоқда. Бу масаланинг жиддийлигига Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорида ҳам алоҳида урғу берилган. Қарорда таъкидланишича, шу йилнинг ўзидаёқ барча туман, шаҳар ХТБда тажриба-синов ишларига уйғунлашиб кетувчи махсус марказлар ўз фаолиятларини бошлаши лозим.

Б.ҚОДИРОВ: Республика Истеъдод маркази директори:

— Бугунга келиб касб-ҳунар ориентацияси ва педагогик-психологик ташхис Марказлари барча шаҳар ва туман ХТБларида ташкил этилган. Уларнинг штат жадвалида тўрттадан мутахассис: руҳшунос, дефектолог, шифокор ва бир мақсадга жипслашган — касбга йўналтирувчи ўқувчиларнинг психологик ва педагогик диагностикаси бор. Улар ҳал қилиши лозим бўлган асосий муаммо — бу болаларнинг касб танлаши. Тўққизинчи синфни тамомлаш арафасида битирувчи ким бўлишни ва қайси касб бўйича ўқишни давом эттириши кераклигини билиши шарт. Бошқа муҳим вазифа — бу болаларни биринчи синфга 6 ёшдан танлаб олишдир. Бу ерда тиббиётдан тортиб минтақавий муаммоларгача мавжуд. Шунинг учун ҳам, ав-

Ta'limda tadbirkorlik

ДАРОМАДСИЗ МАКТАБ – ҲАРАКАТСИЗ МАКТАБ

Амударё туманидаги Алишер Навоий номли 18-мактаб директори Ҳайитбой Матсапаев ишнинг кўзини биладиган ташаббускор, уддабурон раҳбарлардан. Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари моддий-молиявий масалаларни ечишнинг янги имкониятларини излаб топишга ундамоқда. Биз тилга олаётган мактаб директори ҳам айни шу муаммолар устида доимо бош қотириб яшайди ва шу йўлда дадил ҳаракат қилаяпти. Ўтган йили мактабга «Қипчоқ» жамоа хўжалигидан бир гектар ер ажратилиб, унга шоли экилди. Натижада мактаб жамғармасига анча даромад тушди. Шу пул эвазига мактабнинг иситиш тизими капитал таъмирланди. 9 та сув иситиш қозони қурилди. Пировардида мактабнинг иситиш тизими бутун қиш давомида узлуксиз яхши ишлади.

Бу йил мактаб учун жамоа хўжалиги томонидан икки ярим гектар ер ажратилиб берилганди. Унинг 1,65 гектар қисмига оқ жўхори экилди. Ўртача 7 тонна оқ жўхори етиштириш мўлжалланмоқда. 20 сотих ерга тарвуз,40 сотих ерга қовун, 25 сотих ерга қанд лавлаги экилди.

Етиштирилган ҳосилни мактаб ўқитувчиларига ва хизматчиларига арзон баҳода сотиш режалаштириб қўйилган. Шу кунларда мактабда «данак» операцияси ўтказилмоқда. Бу тадбирдан ҳам даромад тушиши тайин. Келгуси йили туман жамоа хўжаликларига 200 минг туп мевали дарахт кўчати етказиб бериш қатъий белгиланган. Деҳқончилик ишлари яхши йўлга қўйилган мазкур мактабда хона гуллари ҳам талайгина. Бу ерда экологияга бағишланган тадбирлар ўтказиб туриш анъанага айланган. Жумладан, Амударё соҳилидаги тўқайзорга саёҳат, қушлар байрамини ўтказиш, жонли бурчаклар ташкил этиш каби ишларга эътибор қаратилади.

— Мактабимизда иссиқхона қуришни ўйлаб юрибмиз, — дейди биз билан суҳбатда директор Ҳайитбой Матсапаев. — Иссиқхонада эртапишар кўкат-сабзавотлар етиштирилади. Улар сотиш учун мўлжалланади. Режаларимиз амалга ошиб борса, қўлимиз узун бўлади, мактаб биносини таъмирлашда қийналмаймиз. Даромадсиз мактаб—ҳаракатсиз мактаб, деб айтиш ҳам мумкин. Таъбир жоиз бўлса, директор, албатта, ҳақ гапни айтди: «Олма пиш, оғзимга туш!» деган замонлар ўтиб кетди.

Ғойиб ЁҚУБОВ

Tajriba

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурилишлар бўлди. Қадрият сўзи кенг қамровли, пурмаъно, ҳикматли сўздир. Зотан, ўз қадрини билган киши бошқалар қадрига етади. Худди шунингдек, ўз миллий қадриятларини ҳурмат қилиб эъзозлаган, ривожлантириш ҳақида ўйлаган инсон ўша халқ вакили деган улуғ унвонга сазовор булади. Чунки миллий қадрият халқ ўтмишига, бугуни ва келажагига, фан ва маданият тараққиётига, миллий ахлоқ-одобга юксак ҳурмат белгисидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳозирги даврда таълим соҳасидаги юксак, долзарб вазифаларни бажаришда миллий қадриятларга бўлган эътибор алоҳида аҳамият касб этади. Бу «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида биринчи навбатда таълим тизимида ўқувчиларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, улардан фахрланиш, ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифани бажаришда ўз тасдиғини топади. Бу хислатларни ўқувчиларда шакллантиришда, хусусан уларга миллий қадриятимизни сингдиришда умумтаълим фанлари ичида табиий фанлар алоҳида ўринни эгаллайди. Зеро, табиий фанлар ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланишига ўзига хос ҳисса қўша олиши, бу имконият миллий қадриятларни сингдиришда таълим-тарбиявий ишлар самарасини оширишга катта ёрдам бериши мумкин. Табиий фанларнинг ижтимоий имкониятларидан фойдаланиб, халқимизнинг дунё илмий тафаккури хазинасига улкан улуш қўшган алломаларининг хизматларини, бой илмий меросларини ўрганиш ҳозирги кунда катта аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнининг самараси ўқитувчига, унинг илмий-назарий билими, амалий кўникмалари, методик тай-ёргарлиги, хуллас касбий маҳорати даражасига боғлиқ. Шуни назарда тутган ҳолда, биз институт қошида ташкил этиладиган малака ошириш курслари, хусусан, табиий: физика, химия, биология ва география фанлари ўқитувчилари курслари машғулотларида ўқитувчиларнинг миллий қадриятларни таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга сингдириш услубиётига доир масалалар буйича касбий маҳоратларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берамиз. Буни биринчи навбатда, курсларнинг ўқув-тематик режаларига миллий қадриятларни ўрганишга доир мавзуларни киритишдан бошлаймиз.

Ҳар бир курс режасига 6-10 соатдан миллий қадриятларни ўрганиш методикасига доир дарс соатлари ажратамиз. Курс машғулотларида «Миллий қадриятларни ўрганиш методикаси» мавзуи буйича маърузалар ўқиш, амалий машғулотлар ўтказиш учун вилоят политехника ва педагогика институтларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда мактабларнинг илғор тажрибали ўқувчилари таклиф этилади. Ўқитувчиларнинг билиш ва ижодий фаолликларини ривожлантириш учун машғулотларда гуруҳ бўлиб, дидактик материаллар тайёрлаш, педагогик шароитлар ҳосил қилиш ва бу шароитларда ўқитувчи фаолиятининг педагогик-психологик жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил этиш, ҳамкорлик педагогикаси муаммоларига доир, «Фикрлар жанги» материаллари асосида тавсиялар тузиш ҳам муҳим омиллар ҳисобланади.

Миллий қадриятлар ва уларни ўрганиш методикасига доир бадиий, илмий-оммабоп ҳамда методик адабиётлар билан институт кутубхонаси имкониятларини, унинг маънавий-маърифий хизмат даражасини оширишга алоҳида эътибор беришни таъкидлаш лозим. Шу мақсадда кутубхонада «Миллий қадриятлар — миллатимиз салоҳияти кузгуси» бурчаги ташкил этилган бўлиб, унда буюк алломаларимиз, маданият, санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган миллатимиз фидойиларининг асарлари, тарихий маълумотлар қўйилган бўлиб, улардан курс тингловчилари унумли фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Миллий қадриятларни ўрганиш борасидаги методик ишлар тизимида курс давомида миллий қадриятларга доир илмий-методик, бадиий ва техникавий адабиётлар аннотацияларини тузиш ва ундан фойдаланиш йўлларини белгилаш: курс машғулотларининг «Баҳс», «Фикрлар жанги» (Алломалар баҳси, хусусан, Ар-Розий ва Форобий, ибн Сино ва Беруний баҳслари) каби ноанъанавий шакл ва усулларидан фойдаланиш ҳам ижобий натижалар беради.

Табиий фан ўқитувчилари курс машғулотларини режалаштиришда машғулотларнинг амалий йўналишларининг нуфузига, хусусан, уларда буюк алломаларимизнинг меросларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бу борада курс машғулотларида Форобий (мусиқа, товуш), ибн Сино (содда механизмлар), Беруний (моддаларнинг зичликларини аниқлаш, иссиқлик, ёруғлик ҳодисалари)ларнинг амалий ишлари билан танишиш, улар эришган амалий натижалар билан ҳозирги замонда олинган натижаларни таққослаш, таҳлил этиш, тингловчиларнинг маълумотлилик даражасини оширади. Курсларда ўқувчиларга миллий қадриятларни сингдириш мақсадида, синфдан ташқари ишларни, хусусан, тўгараклар, семинарлар ташкил этиш каби масалалар буйича ҳам ўқитувчиларга илмий-методик ва амалий кўникмалар бериб бориш машғулотларнинг ахборотга бойлигини оширади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, халқ таълимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ўқувчиларимизга берилаётган таълим-тарбия, шунга кўра ўқитувчиларимизнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш борасидаги ишлар миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этилишини тақозо этади.

Р.КАРИМОВ,
Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти ректори

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом,бақувват бўлиб вояга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиб келаётир. Бунга мисол тариқасида Сирғали туманида очилган санаторий типидаги 564-болалар боғчасини келтириш мумкин. Болалар масканига пойтахтнинг турли туманларидан болалар қатнашаётир. Бу ерда соғлиги бироз заиф болалар саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Дилбандлар тиббий муолажалар, жисмоний тарбия, физиотерапия сингари даволаш усулларидан баҳраманд бўлаяптилар. Шунингдек, ҳар хил мевалар,тўйимли озиқ-овқатлар билан таъминланмоқда. Меҳрибон тарбиячилар, ширинсўз тиббий ходимлар ёш ниҳоллар атрофида ҳамиша парвоналар. Нозик қалбларнинг ҳар бир куни мазмунли, қизиқарли ўтаётир. Мазкур аҳил, изланувчан жамоага кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагог Тафика Хабурова раҳбарлик қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: тажрибали тарбиячиси Фотима Яҳъёева болалар билан гўзал табиат, гуллар ҳақида суҳбатлашмоқда. Болакайлар сузиш ҳавзасида мазза қилиб чўмилишяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ суратлари

Kollejlar hayotidan

УЧИНЧИ МУРАККАБ ТОМОН

«Тарбия бериш учун ўқитувчининг ўзи тарбияли бўлиши керак», — дейилади кўҳна ҳикматли қоидаларда.

Тан олиш керак бу — эски, аммо эскирмас қоида. Ҳамма замонларда бу муаммо кун тартибида турди.

Хўш, бугун бизда (бутун мамлакатимизда) шундай ўқитувчилар бор ва етарлими? Бу борадаги муаммолар қандай ҳал қилинмоқда?

Шу каби саволларимизга жавоб топиш мақсадида Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми директори, моҳир педагог, ишбилармон раҳбар, уддабурон етакчи Жасур Қулмуҳамедовни суҳбатга тортдик. Жасур ака муаммонинг келиб чиқиши сабаблари ва уни бартараф қилиш ечимларига тўхталди. Бир йўла мисол тариқасида ўзи ўзгариш ясаётган техникум ишлари ҳақида ҳам гапириб берди.

— Биласизми гап нимада, илгарилари Тошкент автомобиль ва йўллар институтида «инженер-педагог» мутахассислари тайёрланар эди, лекин, охирги йилларда институтда шу мутахассисликка жой ажратилмай қўйди.Бунинг устига кейинги йилларда юртимизда*махсус билим юртлари, техникум, коллежлар кўплаб очилди. Бу ўзи-ўзидан махсус билим юртларида дарс беришга яроқли ўқитувчиларни тайёрлаш муаммосини келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда энг долзарб масала – ўрта бўғин ишчи-ходимларини тайёрлаш масаласи бўлиб турибди. Агар ҲТБЮ лардан коллежлар тубдан фарқ қилмаса ўрта маълумотли мутахассисларни йўқотиб қўямиз. Мисол тариқасида, бакалавр (4 йил) тайёрлаш давлатга 400-500 минг сўмга тушади. Ўрта маълумотли ходимни тайёрлаш (таҳсил муддати 3 йил) эса 100 минг сўм атрофида. Агар автотранспорт корхоналарида ўрта бўғин ходимлари ишлайдиган лавозимда (навбатчи механиклар, ёқилғи шахобчаларида ва бошқалар) олий маълумотли мутахассислардан фойдаланилса, табиийки давлат ҳар бир мутахассис учун 300-400 минг сўмга зарар кўради. Мана шу ўринда ва кадрларни қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши керак. Айниқса, ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш муаммолари ҳануз ҳал бўлмаётир, чунки ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳозирги кун талабига жавоб бермайди.

— Жасур ака, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, билимлар асосларини пухта ўрганиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш мақсадида эълон қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарори Сиз раҳбарлик қилаётган техникумда қандай амалга оширилмоқда?

— Эсингизда бўлса, ўша қарорда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш босқичма-босқич амалга оширилади ва яна касб-ҳунар коллежлари ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва уларга тенглаштирилган таълим муассасалари негизида, шунингдек, янги қурилиш ҳисобига ташкил этилади, дейилган эди. Шунга кўра, бизда касб-ҳунар коллежига ўтиш буйича қилинаётган ишлар юзасидан қуйидаги масалалар ечилмоқда:

— норматив базаларни ишлаб чиқаришни жорий этиш (ДЭУ автомобиллари тузилишини ўрганиш, лаборатория ишлари, талабаларни ишлаб чиқариш амалиётини «ЎзДЭУАВТО» қўшма корхонасида ўтказиш:

— соҳа учун олий таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш. Бизда ТАЙИ фан докторлари, профессорлар Г.Қосимов, М. Ғофуров, ўзимизда фан номзодлари, доцентлар Р. Ҳикматов, Ш. Эрбеков, А. Абдураҳмонов ва давлат имтиҳон комиссияси раислари «Тошвилоятюктранс» концерни раиси, иқтисод фанлари номзоди Собир Юсупов «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор Ж. Рўзиев ва шу бирлашмадан техника фанлари доктори, профессор А. Бағдасаров ўқувчиларга сабоқ беришади:

— давлат стандартларини ва классификаторларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Техникум мутахассислари ҳозирги кунда «Олий таълим муаммолари» институти бошчилигида республикадаги ҳамма автомобил ва йўллар техникуми учун давлат стандарти ишлаб чиқмоқда.

Коллежга айлантирилаётган техникумда талабаларга ҳозирча қуйидаги ИХТИСОСЛАР ўргатилмоқда:

Автомеханик — «Автомобиллар ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш»;

«Автомобил транспортида ҳаракатни бошқариш ва ташишни ташкил қилиш»;

Автомобил устаси — «Автомобиль йўллари ва аэропорт қуриш»;

«Автомобил йўл қурилиш машиналарини таъмирлаш»;

Автомеханик-иқтисодчи — «Автомобиль менежменти»;

«Автомобил маркетинги»; «Автомобил бухгалтерияси»;

Автоназаратчи — «Давлат автоназоратининг маъмурий ва ҳуқуқий асослари».

Ўқув қўлланмалари билан талабларимизни таъминлаш масаласи ҳам баҳоли-қудрат ҳал бўлмоқда. Профессор Худойберган Маматохун Қатортерак ўғли ўзи ёзган «Автомобиль» ўқув қўлланмасидан 300 тасини техникумимизга совға қилди. Ўқувчилар сонини ҳисобга олсак, бу албатта оз, аммо бу китобнинг ноёблигини кўзда тутсак бу кам эмас. Шу ўринда атоқли олимга ўз миннатдорчилигимизни матбуот орқали етказишингизни илтимос қилардим.

Жасур ака кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш буйича яна кўплаб мулоҳазалар, ўз раҳбарлигидаги техникум педагоглари аҳиллиги, билимдонлиги ҳақида кўплаб дил сўзларини айтдики, ҳаммасини бир мақолада жам қилиш қийин.

«Бугун ўтди, эртани севиниб кут» дейилади ҳикматларда. Негаки, эрта умидли кундир ва шундай бўлиб қолади.

«Учинчи мураккаб томон» ечими бугунги кун тартибида.

Ўрол ЎЗБЕК

Maktabgacha tarbiya

«ЎГАЙ» БЎЛМАГАН БОҒЧАЛАРДА

«Боғча» ва «тарбия муассасасида тадбир ўтказилди» деганда ҳаёлимизда биринчи галда давлат таълим муассасаси гавдаланади. Аслида эса корхона ва хўжаликларга қарашли нодавлат боғчалар ҳам бор ва улар жуда кўпчиликни ташкил этади. Мазкур тарбия муассасаларининг кейинги даврларда назардан четда қолаётганлигига алоҳида сабаблар бор. Биз соғлом, билимдон авлодни тарбиялашга астойдил киришган эканмиз, улар устидан назоратни кучайтириш, боғча опалар ва болажонларнинг фаоллигини ошириш ҳам бугунги кунда долзарб юмушлардан бирига айланди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли болалар боғчалари тарбиячилари ўртасида ўтказилган «Тарбиячи-98» ҳамда «Севимли ўйинчоғим» кўрик-танловлари бу борадаги хайрли ишлардан нишонадир. «Тарбиячи-98» танловининг дастлабки якуний босқичида 5 нафар тарбиячи ўзларининг билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Танловда «Ибрат», «Тўрақўрғон», «Намуна», «Олтин водий» ҳамда Бобур номли жамоа хўжаликларининг вакиллари учала совринли ўринларга муносиб деб топилди.

«Севимли ўйинчоғим» кўрик-танловида эса «Ибрат», «Соҳибкор», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг тарбиячилари ясаган ўйинчоқлар ўзининг миллийлиги, гўзаллиги ҳамда сифатлилиги билан тадбир савиясини янада оширди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

густ кенгашларида ана шу масалалар ҳам муҳокама қилинса, деган тилагимиз бор.

Ташхис марказлари таълим тизимидаги янги хизматдир, шунинг учун ҳам улар тўғрисида чуқур ва жиддий сўз бўлиши керак, зеро ана шу марказлар фаолияти ҳақида нафақат педагоглар, балки ота-оналар ҳам, кенг жамоатчилик ҳам аниқ маълумотларга эга бўлишлари шарт. Буни Август кенгашларида қуриб чиқиш қулайдир..

Г.АЛИМОВА: — Таълим ислоҳотининг муҳим масалаларидан бири— рейтинг тизимига яқдиллик билан ёндашиш кераклигини айтиб ўтмоқчиман. 5—9-синф ўқувчилари билим савиясини текширишнинг рейтинг тизими ҳақидаги қоидалар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у Август кенгашларида муҳокама қилиниши керак. Бизни ушбу фаолиятда ўқитувчилар жамоатчилигининг қўллаб-қувватлаши зарур, сабаби қатор мактабларда эксперимент тариқасида рейтинг қўлланилди (Тошкент шаҳридаги мактабларда, Сурхондарё вилоятининг Узун, Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманларидаги, Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги айрим мактабларда бу борада ишлар фаол юритилди).

Умумий ўрта таълим мактабининг 5—9-синфларида рейтинг тизимини қўллашнинг мақсади эса ўқувчилар ақлий фаолиятининг фаоллашуви, ўқишда муваффақиятга эришишнинг ижобий асосларини ..... таъминлаш, ўқув жараёнига мусобақа элементларини киритиш, ўқувчиларда ўқув ишларини ўзлари бажариш ҳиссиётларини туғдиришдан иборатдир.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ: Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ХТБ мудири: —Ҳа, мен сиз билан келишган ҳолда Август кенгашларида ушбу масала юзасидан қизиқарли фикрлар билдирилишига ишончим комил. Бизда, масалан, туманимизда ушбу йўналишда иш тажрибаси тўпланган – гап 191 мактаб (директори - Г.Карнаухова), 242-мактаб (директори Г.Сатимова), 249-мактаб (директори Х.Ҳамедова), 309-шарқ тиллари лицейи (директори Ш.Ерназарова) ҳақида юритилмоқда.

Масалан, 191-мактабда кўп баллик системада ўқувчилар билимини баҳолаш кундалиги жорий этилган. Бу педагогик жамоанинг шахсий ишланмасидир. Ушбу кундалик бошқа мактабларда ҳам фойдаланишга тавсия этилди. 309-лицейда ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик тизимини жорий этиш буйича тавсиялар ишлаб чиқишда ҳар бир кафедра қатнашди.

У. ЗИЁЕВ: — Бу йилги Август кенгашларининг ялпи йиғилишлари пойтахтимизнинг барча туманларида бўлиб ўтади. Бу тадбир нафақат сўнгги йил натижаларини таҳлил қилиш, балки кенг жамоатчиликнинг диққатини тортиш, барча мавжуд муаммоларни кўтариш учун ташкил қилинади. Бу ишга барча туман ҳокимлари жалб этилиб, уларнинг анжуманларда шахсан қатнашуви ва маъруза қилиши кутилмоқда. Уларнинг ёрдамида ялпи йиғилишларни ўтказиш жойлари ва муддатлари белгиланди. Шу ўринда ўтказилажак тадбирларнинг муҳимлиги, долзарблиги аҳамиятлилиги ҳисобга олиниб, шаҳарнинг барча туманларида энг яхши заллар ажратилаётганлиги эътиборга моликдир. Масалан, Ҳамза туманида ялпи йиғилиш Авиақурувчилар саройида, Юнусобод тумани — «Туркистон» саройида, Шайхонтоҳур тумани Ҳамза номидаги театрда бўлиб ўтади.

Сўнг 21 та умумтаълим фанлари буйича 25 та шўъбада анжуман иши давом этади. Шаҳримизнинг энг яхши музейлари ҳам ишга туширилган. Масалан, тарих ўқитувчиларининг шўъба йиғилишлари Амир Темур музейида ва Ўзбекистон тарихи музейида бўлиб ўтади. Санъат музейида эса расм ва чизмачилик ўқитувчилари йиғилади. Республика байналминал маданий маркази ҳам ўзининг зали ва бошқа хоналарини она тили ўқитувчилари ихтиёрига бермоқда.

И.ЗОКИРОВ, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани ХТБ мудири:

Бу йил Август анжуманини қуйидагича ташкил қилаяпмиз: аввал йўналишлар буйича ижодий лабораторияларда ишлаш, сўнг ялпи йиғилиш. Еттита лаборатория фаолият кўрсатади: «Таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш» — 155-мактабда, «Ўқувчиларни миллий анъаналар, умумбашарий бойликлар орқали тарбиялаш» — 244-мактабда ва ҳоказо.

Лекин, таълим ислоҳотида энг асосий шахс – бу ўқувчи эканлиги шубҳасиздир ва қачонки ўқитувчи қайта тайёргарликдан ўтиб, тўлдан ислоҳ қилиш зарурлиги ҳис қилолмаса, бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар натижасиз бўлади. 61-мактаб қошидаги лаборатория фаолияти ишнинг ана шу йўналишига қаратилгандир.

Айтмоқчи, ялпи йиғилиш ўтадиган Авиақурувчилар саройи фойесида биз катта услубий кўргазма ташкил этамиз. У ерда туман мактабларининг рейтинглари стенди ҳам илинади. Бу, асосан, ўқув юртлари фаолиятининг турли улчовлар буйича баҳоланишидир: янги ўқув йилига тайёргарлик, болаларнинг олимпиадаларда иштироки, шахсий дастурлар билан ишлаш, мактаб тўгараклари ва шўъбалари фаолияти, семинарларда ўқитувчиларнинг иштироки ва ҳоказолар.

Шу ўринда туманнинг барча мактаблари янги ўқув йилига тайёрлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Тайёргарлик ишларида ота-оналар, маҳалла қўмиталари, оталиқ корхона, муассасалар катта ёрдам қилишди. Корхона ва ташкилотларнинг ўқув муассасаларини оталиққа олиш масаласи – туман ҳокимининг жиддий назоратида. Мен шу ўринда йилдан-йилга оталигидаги ўқув муассасаларининг барча эҳтиёжларини таъминлашда фаол иштирок этаётган корхоналарни санаб ўтгим келади. Булар — 156-мактабни оталиққа олган «Ёғ-мойкомбинат», «Тошвино» комбинати (145-мактаб), ЖБИ- (255-мактаб), енгил металлқурилмалари жамоа корхонаси (67-мактаб) ва бошқалар таъмирлаш ишлари ўтказишга 300—400 минг сўмдан зиёд маблағ ажратдилар.

Бу йил ҳокимият мактаблар тайёргарлигига 3 миллион сўм, оталиқ корхоналар 4,5 млн. сўм, ота-оналар қўмиталари эса 2 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ ажратдилар.

Ўзаро саъй-ҳаракатлар натижасида туманнинг барча мактаблари янги ўқув йилига шай қилинди. Ҳозир қатор мактабларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бунга ҳокимият 19 млн. сўм ажратди.

Ўқув муассасаларининг кузги-қишки мавсумга 80 фоизи тайёр, 1 сентябргача бу ишлар ҳам якунланади.

Шу йилнинг тўртинчи чорагида қурувчилар бизни иккита янги бино билан қувонтиришни режалашмоқда — бу Чизельний даҳасидаги 480 ўринли боғча, у ерда ҳозир сўнгги таъмирлаш ва сантехника ишлари жадал суръатда давом этаётир ва Янгиобод даҳасидаги 230-мактаб қошидаги замонавий спорт мажмуи, унга ёпиқ турдаги сузиш бассейни ва теннис корти киради.

А.РАҲМАТУЛЛАЕВ: — Моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари – таълимни ислоҳ қилишнинг муҳим шарти эканлиги аниқ. Биринчи сентябрда туманимизда 1440 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қад ростлайди. Ўнга 20 млн. сўмлик жиҳозлар ва асбоб-ускуналар келтирилади.

Болаларни тарбиялаш ва таълим бериш оилага ҳам боғлиқ эканлигини унутиб бўлмайди. Август кенгашларида оилавий тарбиянинг роли ҳақида ҳам гап боради. Мукаммал тарбиянинг йўриқномаларини фақат халқ таълими ходимлари учун эмас, балки ота-оналар учун ҳам ишлаб чиқиш мўлжалланяпти, негаки бу йил — Оила йили. Ота-оналар болаларга таълим беришда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб чиқишлар қиладилар ва маҳалла қўмитаси вакиллари ёшлар билан ишлаш тажрибаси билан ўртоқлашиб, яшаш шароити айниқса ўсиб келаётган авлоднинг маънавий ахлоқий тарбияси тўғрисида ҳам чиқишлар қиладилар.

Биз мактабларни кадрлар билан таъминлаш учун катта ишларни қилаяпмиз ва бунда асосий эътиборни ёш мутахассисларга қаратаяпмиз.

Битирувчиларни туман мактабларига жўнатиш учун олий ўқув юртлари билан шартномалар тузилган.

Ҳозирча 35 ёш мутахассис етиб келди. Август анжуманларида улар тантанали вазиятда катта ўқитувчилар оиласига қабул қилинади. Меҳнат фахрийлари уларни табриклашади, улар эса ўсиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга узларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга қасамёд қилишади – бизда одат шунақа. Туман ўқитувчиларининг ёш касбдошларига чақириғи ҳозирданоқ тайёрлаб қўйилган. Яна ўрни келганда шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, туманнинг кўплаб мактаблари ўқитувчилик касбига яққол иштиёқи бўлган болалар билан ишлаб, узларига кадрларни етиштириб чиқаряпти, бунинг учун педагогик синфлар ташкил қилинган ва унда педагогика мутахассислиги буйича катта тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида бу йил туман мактабларининг кўплаб битирувчилари республикамизнинг педагогика олий ўқув юртларига ҳужжат топширишди.

Ўқитувчиларга мактаб машғулотлари ва синфдан ташқари ишларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳарририга берган жавоблари катта ёрдам беради. Туман мактабларида «Мулоқот» ҳамда «Фидойи» клублари уз фаолиятини бошлайди.

И. ЗОКИРОВ: — Дарсликлар хусусида гапирадиган бўлсак, бу масала ҳозирда бизнинг назоратимизда. Ҳар ҳафтада китоблар сотиб олиш мактаблар буйича солиштириб борилади. Туман ҳокимияти 200 минг сўмлик китобларни кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида ҳадя этди. 61,62,152,244,69,206,231 - мактаблар қошида дарсликлар савдоси ташкил қилинди. Бундан ташқари 3 та китоб магазини ва 2 та ўқув қуроллари магазинлари ҳам мактаблар хизматида.

Ҳозиргача 1-синфлар учун барча дарсликлар мажмуаси (2500 тўплам ўзбек тилида, 2000 тўплам рус тилида)ни қабул қилиб олдик. Улар ўқув йилининг дастлабки кунида совға- саломлар билан янги дарсликларни оладилар.

Г. АЛИМОВА: — Албатта, август кенгашларида таълимга оид қатор масалалар кўриб чиқилади. Улардан бири бугунги кунда кечки мактаблар фаолияти. Бу борада Халқ таълими вазирлигининг тутган йўли аниқ: кечки мактаблар бўлиши мумкин эмас, бу масалага оид буйруқ амалда жорий этилган. Лекин баъзи шаҳар ва туманларда шу турдаги ўқув муассасалари фаолиятларини давом эттириб келмоқда.

Умумий ун бир йиллик таълим пайтида кечки мактаблар ўрнига келган Катталар таълими марказлари эса катта ёшдаги аҳолининг умумий ўрта маълумот олишида узларининг ижобий ролини ўйнашди. Лекин умумий ўрта ва уч йиллик махсус, касб-ҳунар таълими тизимига ўтишда Катталар таълими маркази туб ўзгаришларга муҳтож бўлади. Уларнинг моддий базасини кадрлар билан таъминланишини ҳисобга олиб, босқичма-босқич қайта ташкил қилиниши ушбу марказларнинг ўқув муассасаси сифатида кейинги тақдирини аниқлайди. Шу масала юзасидан ХТВга тегишли тавсиялар жўнатилган.

Л. АФИНОГЕНОВА, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани КТМ директори:

Пойтахтимизда кечки мактаблар фаолияти биринчилардан бўлиб тўхтатилди. Улар КТМга айлантирилди. Уларга умумий ўрта таълим бериш билан бирга Меҳнат вазирлиги тасдиқлаган кичик бўгиндаги мутахассисликлар (лаборант, ҳарф терувчи, котиблик)ни ўргатиш кўзда тутилган.

Айни пайтда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, КТМлар фаолияти билимлар қамровидан қатъи назар қайта кўриб чиқишга муҳтож. Уларни кадрлар билан таъминлаш, моддий базасини мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Шу тариқа суҳбат қатнашчилари август кенгашларида халқ таълими ходимлари олдида турган турли муаммо ва масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Шубҳасиз, ушбу анъанавий тадбирлар янги мазмун кашф этади, янги ўқув йили таълим ислоҳотларида муҳим босқич бўлиб қолади. Буни вақт тақозо этмоқда.

И.АУЛОВА ёзиб олди

«Бахшили эл — ботир» деган нақл бор.
Нақл ақлнинг меваси, беўрин айтилмайди.
«Алпомиш», «Гўрўғли», «Равшан» каби достонларни тинглаб, ўқиб улғайган авлод кам бўлмайди.
Замонлар ўтади. Замонга мос чин сўз янги талқин, шаклда янги авлод қўнглига йўл топади. Сўзнинг янги шакл топишида замонавий бадиий тафаккурнинг хизмати беқиёс бўлади.
Фольклор дунёсидаги барча санъат турлари ривожида битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келмоқда.
«Алпомиш» достони ҳам ижод аҳли учун бебаҳо хазина. Муҳаммадали Қўшмоқбой ва Шомирза Турдимов халқ бадиий хазинасидан баҳра топиб, «Алпомиш» киносценарийсини ёзишди. Қуйида ушбу асардан бир парча эълон қилмоқдамиз.

ТАҲРИРИЯТ

АЛПОМИШ

(киносценарийдан парча)

Муродтепа.

Муродтепанинг кунботар томони, Чилбир чўли бошланадиган жой. Йиғилган отларнинг сон-саноғи йўқ.

Хонликдан махсус қўйилган одамлар пойгага борадиган отларни синчиларнинг назаридан бир-бир ўтказиб, рўйхатга олмоқда.

Чилбир чўли тарафдан Кайқубод кал бир чўбир отни миниб, рўйхатга олувчиларнинг олдига келади.

КАЙҚУБОД КАЛ (рўйхатчиларга):

— Менинг ҳам отимни бит.

— РЎЙХАТЧИ (бир отга, бир Кайқубод калга қараб, кулиб):

— Шу ҳолингда, шу отинг билан тушгачали йўл юрасанми?

КАЙҚУБОД:

— Бит дегандан кейин битда.

РЎЙХАТЧИ:

— Сен жанжалчи кал экансан-ку, ана, ҳов ерда синчилар бор. Отингни кўрсат. Улар: «Ярайди», — деса, битаман. Мана, ўн минг отдан тўрт юз тўқсон тўққизтаси ўтди. Синчилар: «Қолган отлар бўлмайди, ичи куйиб ўлади, эгаси ҳам сарсон бўлади», — деб ўтказмади.

КАЙҚУБОД:

— Хат бошида қайси отлар турибди?

РЎЙХАТЧИ (қоғозига қараб):

— Тойчихоннинг уч оти – олапоча тўриқ от – бир, шапақ от – икки, минг тиллолик саман от – уч. Кейин Кўкалдошнинг Кўкдўнан оти. Сенинг чўбиринг шулар билан баробарми?

КАЙҚУБОД:

— Битмасанг, битма, пойгага бормасам, бормабман. Ойбарчиндан сулув қаллиғим бор. Шуни менга тақдир насиб этсин. Бир қизиққа айтдим-қўйдим-да. (Кайқубод бурилиб кета туриб, сўрайди). Бекнинг отини нечанчи қилиб битдинг?

РЎЙХАТЧИ:

— Қайси бек, қанақанги от?

КАЙҚУБОД:

— Бойсун — Қўнғиротдан келган бек Алпомиш..., Чибор от.

РЎЙХАТЧИ (қоғозларини варақлаб):

— Бундайчиқа от ҳам, одам ҳам йўқ.

КАЙҚУБОД:

— Э, бекнинг оти бўлмаса, пойга пойга бўладими?

Шу пайт Чибор отини миниб, Алпомиш келади.

КАЙҚУБОД:

— Ана, бекнинг ўзи келди. Эсон-омонмисиз, бек Алпомиш?

АЛПОМИШ (Кайқубодга):

— Омонмисан?

Алпомиш синчиларнинг ёзувини рўйхатчига тутади.

АЛПОМИШ (рўйхатчига):

— Алпомиш, оти – Бойчибор, деб бит.

Рўйхатчи синчиларнинг ёзувини ўқиб, бир Алпомишга, бир Бойчиборга қараб, рўйхатига ёзади.

РЎЙХАТЧИ:

— Бойчибор беш юзинчи от бўлди.

Муродтепанинг ёнбоши.

Чилбир чўли.

Пойгачилар ҳар кунига от совутиб, ёлғон пойга қўйиб келади. Бойчибор отларнинг чангини кўрмай қолади. Кўкалдошнинг Кўкдўнани ҳамма отлардан аввал келади. Ёлғон пойгада Кўкдўнанни ўздирган Кўкалдош Муродтепанинг пастида, оти бирин-кетин келаётган отларга разм солаяпти. Кўса синчи ҳам шу ерда – кўрмаса ҳам, отларнинг дупурига қулоқ солиб, кўраётгандай бўлиб турибди.

КЎКАЛДОШ (Кўса синчига кесатиб):

— Ҳа, Кўса, қараб турибсанми? Кўраяпсанми? Ўйинда ўзган — чинда ўзади. Мақтаганинг отларнинг чангида қолиб кетаяпти...

Чин пойгада ҳоли не кечади?

КЎСА СИНЧИ:

— Кўраяпман, алп Кўкалдош. Олдин келади... Олдин.

КЎКАЛДОШ:

— Ўр кўса экансан...

Кўкалдош қаради. Алпомиш Бойчибор оти билан ўтди. Бойчибор ўтаётиб, Кўкдўнанга тикилди. Кўкдўнан ҳурккандай, тисарилди.

КЎКДЎНАН (овози эшитилади):

— Бу бало қайдан келди? Жилғача ҳолим қолмади... Бу денгиз экан!

Бойчибор Кўкдўнандан кўзини олиб, аввалгидай, эмин-эркин кетаверади.

КЎКАЛДОШ (отининг жиловидан тортиб, оёғи билан ниқтаб):

— Ёмонлагур, не бўлди?

Алпомиш ўтиб кетади.

КЎСА СИНЧИ (Кўкалдошга):

— Эй, Кўкалдош, Кўкдўнандан ўтар синчи йўқлигини билмайсан... Отинг Бойчиборни кўрди, ундан ўза олмаслигига ақли етди... Пойгада отинг ўзмайди.

Кўкалдош Кўса синчига қараб, қўл силтаб, жўнайди.

Туш вақти.

Пойгачилар отларига дам бериб, емлаяпти, алп Кўкалдош алплар даврасининг тўрида ўтирибди.

Кўкалдошнинг махрамбошиси келади.

МАҲРАМБОШИ (таъзим билан, Кўкалдошга):

— Кўкдўнан чимхўр бўлиб қолди – ем ҳам емаяпти.

КЎКАЛДОШ (ўрнидан ирғиб туриб):

— Касал бўлдими?..

МАҲРАМБОШИ:

— Кўзи бўлмасаям қўли билан билади. Шул Кўса синчига бир кўрсатайлик.

КЎКАЛДОШ (ҳафсаласи пир бўлиб):

— Қўй шуни...

МАҲРАМБОШИ:

— Бошқа бирор одам бўлмаса биладиган...

КЎКАЛДОШ:

— Бор, айтсанг, айтиб кел.

***

КЎКАЛДОШ (Кўкдўнаннинг пешонасини, ёлини силаб):

— Отим, боврим. Туғишганимдан яқиним. Сенга нима бўлди? Гапирганнинг тилини узиб оламан, тикилганнинг кўзини ўйиб оламан. Эрта – пойга... Эсинг кўп-ку...

Маҳрамбоши Кўса синчини етаклаб келади.

Кўкалдош жимгина кузатиб, кутиб туради.

Кўса синчи Кўкдўнанга яқин келиб, қўли билан аввал отни, кейин ҳавони пайпаслайди, кейин тилини чиқариб, шу кўйи индамай тураверади.

КЎКАЛДОШ:

— Нега итдай, тилингни осилтирасан, Кўса синчи?

Кўкдўнаннинг дардини айт, эм топ.

КЎСА СИНЧИ:

— Мана, тилим, кесдириб ташлайвер.

КЎКАЛДОШ (махрамбошига):

— Эй, сени синчи деб чақирганнинг... Тур йўқол! Айдим-ку, бунинг гапи битта деб. (Сайисни чақириб) Яхши қара... Емини ейди.

Кўкалдош алпларнинг ёнига қайтади.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚБОЙ,
Шомирза ТУРДИМОВ



Ёз гашти

Xullas...

ЎЗ ОНАСИ ЎҒИЛ ҚИЛИБ ОЛДИ

Уч ойлик гўдакнинг овқат ҳазм қилиш аъзолари яроқсиз бўлиб, уни «одам» қилиш анча мушкул. Чақалоқнинг онасини ҳомиладорлигининг еттинчи ойида бундан огоҳ этишгач, таҳликада қолди ва у кўзи ёриши билан чақалоқни болалар уйига элтди. Ҳар 5 минг боладан биттасида учраши мумкин бўлган касаллик норасиданинг яшаш тарзини қийинлаштира бошлади.

Алқисса, янги меҳмон Москвадаги 13-шаҳар болалар касалхонаси жарроҳи Александр Разумовскийнинг ихтиёрига жўнатилди. Бу шифокор бир парча этнинг жонига оро кириб, гастрострома (таом ҳазм қиладиган махсус трубка)дан уни халос қилди.

Операция муваффақиятли тугагач, боланинг онаси бу ҳақда эшитиб, уни ўзига қайтадан ўғил қилиб олди...

ҚУЙИБ ҚЎЙГАНДАЙ

Икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш эгизаклар Ер юзида қанча эканлигини ким билади дейсиз? Эгизаклар-ку эгизак, бир-бирига ўхшашса, ажабланмайсиз. Аммо бутун бошли бир қишлоқ аҳлининг бир-бирига қуйиб қўйгандай ўхшаш эканликларидан тааж-жубда қолмай илож-ингиз йўқ.

Ҳиндистоннинг Мадрас вилоятидаги Хала Гуна қишлоғида яшовчи 237 кишини гўёки эгизаклар деб ўйлайсиз. Юз-кўз, бош, қўл, ҳаттоки феъл-атворлари ҳам бир-бириникидан нусха олгандек ўхшаш. Аслида улар эгизак эмас.

Бангалор шаҳридан 48 километр узоқликда жойлашган бу қишлоқ аҳолисининг ўхшашлик сабаблари устида олимлар тадқиқот олиб боришяпти.

44 ЁШЛИ «БОЛА»

Пол Скаротт – инглиз, футбол «жиннили». У 10 ёшидан бери футбол майдончаларида ўзининг қуюшқондан чиққан «хархаша»лари билан донг таратган. «Тўполон»лари эвазига 30 марта қамоққа тушган бу одамга авахта ҳам кор қилмаяпти. У ўйингоҳга кириши ман қилинганларнинг «қора рўйхати»да биринчи ўринда туради.

Полнинг онаси танишларига шундай деб ҳасратини тўкади: «44 ёшли боламнинг қачон ақли кираркан?»

ana shunaqa gaplar...

Bilasizmi?

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Араб астраноми Абул Қосим 875 йилда юлдузлар ҳаракатини кўрсатувчи осмон гумбази моделини ясаган эди. Бу афтидан, инсон томонидан яратилган биринчи планетарий (сайёралар ва бошқа самовий жисмларнинг ҳаракатини кўрсатувчи асбоб) бўлса керак, деб таҳмин қилишмоқда олимлар.

***

1513 йилга оид географик харита кўпдан бери мутахассислар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Ана шу ноёб харита турк адмирали Пири Рейс томонидан ишланган эди.

У шундай аниқлик билан тузилган эдики, ҳатто унга Америка ҳам киритилганди. Ваҳоланки,Америка ўшандан 21 йил кейингина Христофор Колумб томонидан очилган. Бундан ташқари харитада номаълум бир қуруқликнинг чизмаси мавжуд булган. Айрим олимлар буни Антарктида ва унинг ҳозир ғоятда қалин муз билан қопланган тоғ тизмалари деб таҳмин қилишган эди.

Шундай булиб чиқди ҳам. Антарктидада тоғ тизмалари бор эканлиги кейинчалик олимлар томонидан ўтказилган текширишларда исботланди.

Турк адмирали 1494 йилда турк султони Явус Салимнинг хизматига ўтади. 1500 йилда ёш Пири испан флоти устидан ғалаба қозониб, султонга жуда ёқиб қолади. Султон унга «Рейс« деган фахрий денгиз унвонини беради. «Рейс» сўзи доҳий, бошлиқ деган маънони билдиради.

Sport maydonchasi

САРАЛАНИБ ҚОЛДИ

Тошкентда оммавий ахборот воситаларининг ижодкор жамоалари ўртасида бўлиб ўтаётган футбол мусобақасининг ярим финалчилари аниқланди.

Унда гуруҳ мусобақаларини муваффақиятли якунлаган «Спорт»— «Ватан» ва «Наш футбол»— «Ёшлар ТВ» жамоалари беллашади.

РОССИЯ МАҒЛУБ БЎЛДИ

Грециядa баскетбол бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионати якунланди. Кескин курашда ўтган финал беллашувида Югославия терма жамоаси россияликларни 64:62 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Учинчи ўрин учун кечган баҳсда АҚШ терма жамоаси майдон эгаларидан устун келишди.

«ТЕГИРМОН» НАВБАТИ БИЛАН

Канадада мукофот миқдори 2 миллион 400 минг АҚШ долларига тенг бўлган катта теннис мусобақаси қизғин беллашувларга бой бўлди. Бу сафар ғалаба нашидаси австриялик Патрик Рафтерга насиб этди.

ПУЛТОПАРЛАР

Ушбу мавсумда энг кўп бойлик орттирган 5 нафар баскетболчилар билан танишинг (АҚШ доллари миқдорида):

1.Майкл Жордон —33140000
2.Патрик Юинг — 20500000
3.Хорас Грант — 14285000
4.Шакил О.Нил — 12850000
5.Девид Робинсон — 12397000

ТАРАДДУД

Футбол бўйича мамлакатимиз чемпионати олий лига жамоалари танаффусдаги сўнгги тайёргарлик ишларини ўтказмоқда.

Яна бир кундан кейин улар иккинчи давра ўйинларини бошлашади.

Ko'ngil bitiklari

Кечиккан ёмғир

Етар энди йиғламанг
Бунинг фойдаси йўқ ҳеч.
Бу ҳижрон висоли йўқ
Мендан кечинг, бўлди кеч.
Қуёш чиқиб турганда
Ёққан кўр ёмғиримсиз,
Лекин кўнгли жуда оқ
Жуда гўр ёмғиримсиз.
Гул фаслимда истадим
Азобли севги — дўлни,
Энди кўнглим тинч оқар
Чунки кўрмадим селни.
Баҳоримдан атайлаб
Кечиккан ёмғиримсиз,
Пушаймондан тўлғониб
Ичиккан ёмғиримсиз.
Қўяқолинг сингмайсиз
Кўнгил эшигин ёпинг,
На илож ўзингизга
Бошқа бир осмон топинг.
На осмонга, на ерга.
Сиғмаган ёмғиримсиз,
Баҳоримда бир марта
Ёғмаган ёмғиримсиз.

****

Ҳовлингдан ариқда ўтдим сув бўлиб,
Ҳовлинг гулзор бўлди, боғинг мевазор.
Оқдим гоҳ озайиб, гоҳида тўлиб,
Қадримни билмадинг, сен эй, дилозор.
Ариқ четларига экмадинг райҳон,
Термулиб боқмадинг бир бор ақалли.
Қўшни ҳовлидаги ялпизлар пинҳон,
Лабимда кўкариб берди тасалли.
Боғингда мевалар ғарқ бўлиб пишди,
Ҳижрон кунларининг авжига етдим.
Ариққа ногаҳон бир олма тушди,
Умид олмасини оқизиб кетдим.
Ҳовлингда ариқдан ўтдим сув бўлиб,
Ўзанимда оқдим, тўлдим, тошмадим.
Гоҳида озайиб, гоҳида тўлиб,
Мен бошқа ҳовлида оқа бошладим.

Гулсара ДАВУРБОЕВА,
Зомин туманидаги
46-мактаб ўқитувчиси

Ma'rifatsiz kishilar

ТУФЛИДА ГАП КЎП

Тошкент тайёрагоҳининг юк майдонида 3 жуфт нархи 7 минг 500 сумлик туфли йўқолгач, кўпчиликнинг тинчи бузилди.

Тошкент тайёрагоҳи тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари туфли ўғриларини қидиришга тушиб кетдилар. Тезкор тадбирлардан сўнг бу қимматбаҳо хорижий матоҳларни қўйнига уриб, кўзини лўқ қилиб турган шу тайёрагоҳнинг юк комплексида қабул қилувчи ва топширувчи бўлиб ишловчи тошкентлик Н.М. ва назоратчи бўлиб хизмат қилувчи А.А.лар ашёвий далил билан қўлга олиндилар. Назаримизда қабул қилувчи ва топширувчининг ишларини синчковлик билан назорат қилаётган Артём амакининг шу учта туфлини қаёққа қабул қилаётганини кўрмай қолгани бежиз эмас экан. Негаки, тезкор тадбирлар маҳалида унинг ёнидан героинга ўхшаш 40 грамм модданинг ҳам топилгани унинг эс-ҳуши туфлида эмас, балки ёнидаги оғуда эканлигидан далолат беради. Шу боис, ички ишлар ходимлари қўриқчи ва йўриқчининг қўлига бир хил кишан солдилар.

ТОШОТАР БОЛАЛАР

Бебош болаларнинг поездларга тош отишлари туфайли айрим йўловчиларнинг тан жароҳати олаётганликлари сир эмас. Яқинда яна бир бебош боланинг отган тоши уч яшар боланинг кўзига тегди.

Қўқон шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлимига Андижон бекатидан келиб тушган хабарга кўра, Андижон—Қува бекатлари оралиғида Андижон—Қарши поездига номаълум шахслар тош отишиб, 20 вагоннинг учта ойнасини синдиришади. Аянчлиси эса шу вагонда кетаётган Қарши шаҳрилик уч ёшли Тухтасинов Бахтиёр кўз қисмидан оғир жароҳат олади.

Болаликнинг ўзига хос шўхликлари бўлиши мумкин. Лекин бола бошидан деганларидек, инсон фарзанди, аввало, ёшлигида оиласидан тўғри тарбия олса, тўғри келган нарсага тош отавермаслиги аниқ. Шу боис, бу болаларнинг қилиғини сира оқлаб бўлмайди. Негаки болаларча завқ олиш халқ мулкини синдириш эвазига ёки инсонларга жабр етказиш ортидан бўлмаслиги керак. Ички ишлар ходимлари эса, айнан мана шунинг учун бебош тошотарларни топиб жазолаш чораларини кўрмоқда.

Тошмурод МЕЙЛИЕВ,
Нақлиёт ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори, милиция лейтенанти

АЛГОРИТМ - АЛГОРИЗМ ДЕМАКДИР

Алгоритм ҳар қадамда учрайди. Қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, умуман муайян ҳисоб қоидалари асосида бажарилганлиги учун уларни алгоритмлар дейиш мумкин.

Алгоритмлаш - кибернетиканинг асосий иш усули, умуман кибернетикани алгоритмсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунончи, об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган машина яратиш учун алгоритмлаш тақозо этилади. Шуниси муҳимки, алгоритм қоидасини математикага IX асрда буюк ватандошимиз, улкан математик олим Абу Абдулло Муҳаммад бин Мусо ал-Хоразмий киритган. Машҳур математик А.Колмогоров таъкидлаганидек, Европада бундай қоидалар унинг номи билан аталиб, «алгоризм» дейилган. Кейинчалик бу ном «алгоритм»га айланган.

Tarixdan tariqcha

ТУЯЛАРГА ОРТИЛГАН КУТУБХОНА

X аср бошларида Эронда вазирлик қилган Соҳиб деган киши китобни шу қадар севарканки, асти қуяверинг. Унинг 117 мингтача жилддан иборат каттакон кутубхонаси буларкан.

Тақдир тақозосига кўра, соҳибнинг кўп вақти юришларда ўтибди. Сафар қилганида у кутубхонасини ҳам ўзи билан бирга олиб юраркан. 400 та туя фақат шу кутубхонани ташиш билан банд экан.

Карвон, таъбир жоиз булса, каталог вазифасини ўтаган. Туялар алифбе тартибида саф тортган булиб бу тартиб ҳеч қачон бузилмас, бинобарин «кутубхоначи» — карвонбоши вазирга керакли китобни қийналмасдан топиб бераркан.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Хулкар ТУЙМАНОВА,
Алишер НАЗАРОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0251. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.00. Г. 123456